Ishonch

2011-yil 20-yanvar № 9 (2890)

///Учрашув

# Эзгуликка йўл



***ЎзКУФК Ўқув марказида Федерация аъзо ташкилотларининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирлари ҳамда мутахассислари билан ўтказилаётган ўқув машғулотлари иштирокчилари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятида бўлиб, ижодий жамоа фаолияти, газетани нашрга тайёрлаш жараёни ҳамда журналистларга яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.***

Шундан сўнг уларнинг ижодий жамоа аъзолари билан учрашуви ўтказилди. Дастлаб «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири таҳририятнинг ижодий фаолияти ва келгуси режалари ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Учрашув давомида ўқув машғулоти иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиб, ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш борасидаги таклифларини билдирдилар. Жумладан, улар томонидан қуйидаги таклифлар ўртага ташланди:



**Норимхол НУРМОНОВА, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири:**

— ЎзКУФ V қурултойи делегатларининг мурожаати касаба уюшма ташкилотлари ва халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. «Кўчат экиш савобдир» шиори остида амалга оширилаётган ишлар газета саҳифаларида бериб бориляпти. Таклифим — бу хайрли ишда алоҳида ташаббус кўрсатган кишилар ва бошланғич касаба уюшмалари фаолияти янада кенгроқ ёритилса. «Яхшидан боғ қолар» рукни остида боғ яратиб, ўз томорқасидан унумли фойдаланиб, элга наф келтираётган фидойиларнинг меҳнати акс эттирилса ва жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотлари «Энг яхши боғ», «Энг яхши томорқа», «Энг ташаббускор боғбон» танловларини ташкил қилиниб, ғолиблар ҳақида мақолалар чоп этилса.

**Равшан МАТЯЪҚУБОВ, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси:**

— Ҳар йили ЎзКУФК ўқув марказида касаба уюшма ташкилотлари маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими раҳбар ва мутахассисларининг ўқув машғулотлари ўтказиб келинади. Уларнинг газета билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун ана шу тадбирларда таҳририятнинг миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими мудири ёки ходимлари ўқув марказида бўладиган ҳар йилги ўқув машғулотларида қатнашса, ҳудудий ташкилотларда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар янада кенгроқ ёритиларди.



**Валишер АЗИЗОВ, Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири:**

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Масалан, яқинда таниқли ижодкорлар иштирокида «Адабиёт кунлари» бўлиб ўтди. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари билан жойларда бўлиб ўтаётган ««Ishonch» кунлари»дан хабаримиз бор. Газета ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ана шундай ижодий учрашувлар бизнинг вилоятимизда ҳам ташкил этилса, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб, амалга оширилаётган хайрли ишларимиз кенг тарғиб қилинган бўларди.

Тадбирда ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири А.Султонов сўзга чиқиб, Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ва Федерациянинг V қурултойида белгиланган вазифалар хусусида тўхталди.

**Ўз мухбиримиз**

///Солиқ қонунчилигида

# Икки жойда ишласангиз...

Иккита жойда ишлайман. Биринчи ташкилотда асосий штатлар рўйхатида, иккинчисида эса ўриндошлик асосида меҳнат қиламан. Яқинда хонадонимизга туман Солиқ идорасидан 32 минг сўм миқдорида даромад солиғи тўлаш тўғрисида ҳужжат ташлаб кетишди. Шу тўғрими?

**Адҳам ИБРОҲИМОВ, Тошкент шаҳри**

**Ушбу саволга Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ДСИ жисмоний шахслар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш, давлат божи ва бошқа даромадлар шўъбаси бошлиғи Шеробод ЖОВЛИЕВ жавоб беради:**

— Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси резидентлари жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши белгиланган.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

Мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Шунингдек, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этиб боришлари даркор.

**Хусусан, дастлабки декларацияни** даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, агар бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса;

**Якуний декларацияни** ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этишлари зарур.

Декларацияни ўз вақтида тақдим этмай, пайсалга солиб юриш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро шахсий паспорти билан иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотномани доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этишлари зарур.

# Фермер хўжаликларида

## фаолиятимизни баҳолайдиган мезон

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**— Юқоридаги бахтсиз ҳодисани бекорга эсламадик. Чунки хўжаликларда бахтсиз ҳодисалар ҳамон учрамоқда. Бунга тезда чек қўймаса бўлмайди.**

— Фикрингизга қўшиламан. Шуни ҳисобга олиб, фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масаласи Марказий кенгашимизнинг раёсат йиғилишларида бир неча бор кўриб чиқилди ва вилоят ҳамда туман тармоқ касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси мутахассисларига кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юклатилди. Кишини қувонтирадиган томони шундаки, тармоғимизда ўз ишининг ҳақиқий фидойилари анчагина. Қашқадарёлик Ҳамро Амиров, навоийлик Чорибой Қодиров, хоразмлик Эркин Бойжонов каби бир қатор мутахассисларимиз қилни қирқ ёришади. Жойлардаги фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси ҳолати юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш учун тармоқ касаба уюшма ташкилотлари қошида меҳнат муҳофазаси хизматлари ташкил этилган.

Марказий кенгаш томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2010 йил 9 сентябрдаги қарори асосида «Касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган: мутахассисларимиз айнан шу ҳужжат асосида фермер хўжаликларида бўлиб, тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Таъкидлаб ўтганингиздек, фермер хўжаликларида ҳамон бахтсиз ҳодисалар учраб турганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги «Ҳасан - оқ киши» фермер хўжалиги ишчиси Мақсуд Муллажонов тракторни шатакка олиш пайтида ўнг қўли жароҳатланган. Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Муҳаммад Жумабобо» фермер хўжалиги механизаторлари Авлиёқул Юсупов ва Алижон Рўзиев тракторда тайёрлов пунктига пахта олиб кетишаётганда, темир йўл кесишмасида поезд билан тўқнашиб кетиш оқибатида вафот этишди.

Айнан мана шундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун барча вилоят кенгашларида фермер хўжаликлари вилоят вакилликлари билан ҳамкорликда «Фермер хўжаликлари ходимлари меҳнатларини муҳофазалаш» мавзусида ўқув-семинарлари ўтказилди. Унда фермер хўжаликлари раҳбарлари, ишчи-хизматчилари иштирок этишди. Ушбу тадбирлар кенг жамоатчиликка тўлақонли етиб бориши учун оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилди.

Шунингдек, Марказий кенгашимиз яхши бир ташаббус билан чиқди. Бу ҳам бўлса, ҳар бир туман кенгаши вакили ҳар ҳафтада бошланғич ташкилотларда бўлиб, у ерда фермер хўжаликларидаги меҳнат муҳофазаси, ишчиларга яратилган шароит билан танишади.

Бироқ меҳнатни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Айрим фермер хўжаликлари томонидан бахтсиз ҳодисаларни яшириш ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек, айрим мутасаддилар ушбу масалага панжа орасидан қарашмоқда.

**«Ishonch» мухбири Неъмат РАФИҚОВ суҳбатлашди**

///Кўрик-танлов

***Ўзбекистон банклари Ассоциациясида 2010 йил якунлари бўйича аҳоли омонатларини жалб қилиш юзасидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида ўтказиладиган анъанавий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

# Мижозлар хизматида

Танловда 31 та тижорат банки, 810 та филиал, 4000 яқин мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди. Мазкур танлов аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда тижорат банкларини рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базаларини мустаҳкамлаш, омонатлар турларини кенгайтириш ва соҳадаги илғор тажрибани кенг жорий этиш, омонатларни жалб этишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини янада ошириш мақсадида ўтказилиб келинади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, омонатларнинг миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда 100 фоиз қоплаб берилиши кафолатланади.

Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 400 дан ортиқ омонат турларини аҳолига таклиф этмоқда. 2010 йил якунлари бўйича кредит ташкилотларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2009 йил якунларига нисбатан 53 фоизга ошди.

Танлов натижаларига кўра, ғолиблар «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси», «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси», «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки», «Пластик карталар асосида иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилган энг яхши банк филиали» сингари саккизта асосий, шунингдек, «Йилнинг энг яхши кассири», «Омонатларни жалб қилиш бўйича банк фахрийси», «Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит», «Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит» каби ўн битта қўшимча номинация бўйича аниқланди.

Уларга компютер, ноутбук, плазмали телевизор, уй кинотеатри, музлатгич, тармоқли принтер сингари қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» мухбири**

***Газетамизнинг 2010 йил 23 декабр сонида Бухоро вилоят мухбирининг «Касаба уюшмаси ёрдам қилди» рукни остида «Асоссиз буйруқ» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Мақоланинг ёзилишига нуфузли жамоат ташкилоти фаолияти юзасидан қилинган маъруза асос бўлган. Маърузада, жумладан, шундай сатрлар бор: «2010 йилнинг 9 август кунида Н.Отажонова вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ҳомиладорлигини тасдиқловчи Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 118-сонли маълумотномасини тақдим этди. Унга кўра, 26-27 ҳафталик ҳомиласи (7 ойлик) мавжудлиги аниқланиб, рўйхатга олинган. Ушбу маълумотнома 10 август куни коллеж маъмуриятига ҳам тақдим этилди.***

***Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.***

***Юқоридагиларга асосан, Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг 2010 йилнинг 25 июн кунидаги 223-буйруғи асоссиз қабул қилинган дея ҳисобланиб, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси раисига тақдимнома ва судга даъво аризаси киритилди.***

***Натижада 2010 йилнингг 28 сентябр кунида Н.Отажонова ўз ишига қайта тикланиб, мажбурий прогул кунлари учун 587.726 сўм пул ундириб берилди».***

///Раддия ўрнида



# Мақола ҳақида мақола

## ёхуд «Асоссиз буйруқ»нинг «асосланиши»

Маълумотнома асосида мақолада қуйидаги сатрлар пайдо бўлди: *«Н.Отажонова вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ҳомиладорлигини тасдиқловчи Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг маълумотномасини тақдим этди. Маълумотномага кўра, унинг 26-27 ҳафталик ҳомиласи (7 ойлик) мавжудлиги аниқланиб, рўйхатга олинган. Ушбу маълумотнома коллеж маъмуриятига ҳам етказилган.*

*Таъкидлаш жоизки, Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Қонуний талабларга кўра, коллеж директорининг буйруғи асоссиз қабул қилинган дея ҳисобланади. Пировардида, Н.Отажонова ишига тикланиб, мажбурий прогул кунлари учун унга 587.726 сўм ундириб берилди».*

Буларнинг барчасига Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2010 йил сентябр ойининг 28-кунидаги ҳал қилув қарори асос бўлган. Мана унда нима дейилган: *«Даъвогар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг Отажонова Назокатнинг манфаатларини кўзлаб жавобгар Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъвоси ҳамда Бухоро шаҳар прокурорининг Отажонова Назокатнинг манфаатларини кўзлаб жавобгар Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисида даъволари қаноатлантирилсин.*

*Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг 2010 йил 25 июн кунидаги Н.Отажонова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 223-SHT-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинсин.*

*Отажонова Назокат Эгамовна Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежига хазиначи лавозимига 2010 йил 1 июндан бошлаб ишга тиклансин. Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан Н.Отажонова фойдасига мажбурий прогул учун 587.726 сўм ундириб берилсин.*

*Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан 29.336 сўм давлат божи ундирилсин.*

*Ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ва ойлик иш ҳақлари тўғрисидаги қисми дарҳол ижро қилинсин».*

— Нега суд қарорини дарҳол ижро этмадингиз? — сўраймиз коллеж директоридан.

— Суднинг қароридан хабарим йўқ.

Коллеж директорининг таҳририятга тақдим қилган шикоят хатидан айрим жумлаларни ўзгартиришсиз келтирамиз: *«...суд қарори биздан яширилиб, суд ижроси учун ижрога юборилди. Суд ижрочиси ижро қарорини менга олиб келганидан сўнг 2010 йилнинг октябрида коллеж маъмурияти ишни қайта кўриш учун аппеляцияга берган эди.*

*Ишнинг қайта кўрилиши вилоят фуқаролик суди томонидан 2011 йилнинг 6 январидан бўлиши керак эди. Аммо Н.Отажонованинг 2011 йил 3 январ куни вилоят фуқаролик ишлари бўйича кассация судлов ҳайъатига ариза билан мурожаат қилиб, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича даъводан воз кечиб, кассация тартибида иш юритишни тугатишни сўраган.*

*Шунга асосан... ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш юзасидан... чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган. Аммо «Ishonch» мухбири томонидан чоп этилган мақолада юқоридаги воқеа тафсилотлар якуни мутлақо бошқача баён этилиб, Н.Отажонова ишга тикланди, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди, адолат қарор топди, деган ёлғон жумлалар келтирилган».*

Энди «ёлғон»ни бироз таҳлил этайлик. Бухоро вилоят суди кассация судлов ҳайъати 4-4-287-11-сонли ажрими 2011 йил январ ойининг 6 куни чиқарилябти, мақола эса 2010 йил 23 декабрда чиқаябти. Бу ҳолда мухбир «воқеа якунини» билиши мумкинми?

Ҳолат муддатга қараб ўзгариши мумкин, аммо шикоятда «ишни қайта кўриш учун аппелляцияга бердим» дейилса, ажримда «коллеж директорининг... кассация шикояти кўриб чиқилди» дейилади. Яна бир нарса: директор шикоятида *«Коллеж директори томонидан, яъни мен томонимдан ҳеч қанақасига асоссиз буйруқ чиқарилгани йўқ. Чиқарилган буйруқ ўрганилган асослар асосида асосли чиқарилган»,* дейилади.

«Асос» сўзи уч марта такрорланган бўлса ҳам, газета ходими учун кучга кирган суд қарори энг муҳим далилдир. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши қабул қилинган ёки тарафларнинг келишув битими тасдиқланган тақдирда кассация инстанцияси суди чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади. Такрорлаймиз, фақат ФПКнинг 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, иш юритиш тугатилиши мумкин.

Биринчи инстанция судида жавобгар даъвогарнинг ҳомиладорлигига ишонмаслигини баён этса-да, бирор далил келтирмаган кўринади. ФПКга кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Касаба уюшмаси ташкилотида шикоят жилдига буйруқ нусхасини (бўлса) тиркаб қўйиш одатга айланса, эҳтимол, бундай англашилмовчилик бўлмасмиди?..

Шикоятдан кўриниб турибдики, кассация инстанциясида даъвогар талабларидан воз кечсада, жавобгар арз қилинган талабларни тан олмаяпти. Гўё иш берувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузиладигандек...

**Довуд МАДИЕВ, ҳуқуқшунос-журналист**

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 20-yanvar № 9 (2890)

# Спорт — саломатлик гарови

**Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга улкан эътибор қаратилмоқда. Бу борада йигит-қизларимизни Ватанга муҳаббат, миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашга, халқаро спорт майдонида Ўзбекистон шуҳратини ёйишга хизмат қиладиган жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади. Ҳар томонлама баркамол шахсларни тарбиялашда қишлоқ жойларда барпо этилаётган коллеж, лицей, мактаб ва спорт иншоотларининг ўрни катта бўлмоқда.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар, ёш спортчиларнинг эришган ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қоровулбозор туманидаги «Гўзал» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳудудида жойлашган 10-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бунга яққол мисол бўла олади. Бундан етти йил аввал очилган мазкур мактаб 2010 йилда капитал реконструкция қилинди ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ушбу спорт иншооти замонавий андоза ва илғор қурилиш технологиялари асосида янгидан қад ростлади.



Бугунги кунда зарур ускуналар билан жиҳозланган спорт мактаби бўлажак чемпионларни тайёрлаш масканига айланди ва замонавий қиёфа касб этди. Бу ерда бокс ва кураш билан шуғулланиш заллари, мини-футбол майдони, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи майдончалари, югуриш йўлакчалари, ёпиқ бассейн ва тиббиёт хонаси мавжуд. Мактабда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган.

— 700 нафардан ортиқ йигит-қиз спортнинг 11 тури билан мунтазам шуғулланади, — дейди мазкур болалар спорт мактабининг директори Абдурасул Дўсанов. — Уларга 18 нафар малакали мураббийлар маҳорат сирларини ўргатмоқда. Ўтган вақт давомида тарбияланувчиларимиз кўплаб вилоят ва республика мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, истеъдодли ёшларни спортга жалб қилишда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари муҳим ўрин тутади. Мазкур иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва спортни янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор келажакда, албатта, ўзининг салмоқли натижаларини беради.

**Асқар ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар**

## XVI Осиё ўйинлари совриндори



*Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинларида Нафиса Мўминова, Олга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова ва Нодира Нодиржоновадан иборат аёллар терма жамоамиз Хитой термасидан кейин иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалга эришди.*

# Навбатдаги марра

Қашқадарё шахмат мактаби тарбияланувчиси Нодира Нодиржонова ярим финалда ҳиндистонлик Мохота Нишани мағлуб этиб, терма жамоамизнинг ҳиндлар устидан 2,5:1,5 ҳисобида ғалабасини таъминлади ҳамда финал йўлланмасини тақдим этди.

Нодиранинг оиласида шахматни жуда севишади. Бунга отаси Абдураҳмон аканинг моҳир мураббийлиги, ушбу спорт турига чексиз муҳаббати сабабдир.

Нодира етти ёшидан мамлакат биринчилиги баҳсларида иштирок этиб келади. У илк бор тўққиз ёшида республика чемпиони бўлди. 1999 йил Испаниянинг Орапес-Дил Мар шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, медал билан тақдирланди. Айни пайтда ушбу нишон пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида сақланмоқда.

Мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт мусобақалари, ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтадиган республика биринчиликлари, биринчи ва олий лига мусобақаларида мунтазам иштирок этиш Нодиранинг истеъдодини сайқаллади.

2006 йил Қарши шаҳрида ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида Нодиржонова жамоаси сафида кумуш, шахсий ҳисобда бронза медалига эришди. 2008 йил Нукус шаҳри мезбонлик қилган «Баркамол авлод» ўйинларида унга қизлар ўртасида мутлақ ғолиблик насиб этди. 2009 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирган қаҳрамонимиз ўтган йили Андижонда ташкил этилган «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларида жамоаси сафида олтин медал соҳиби бўлди.

Бунгача у 2009 йили Ветнам ёпиқ спорт иншоотларида ўтган учинчи Осиё ўйинларида жамоа таркибида бронза медалларига ҳам эришганди.

— 2010 йил мен учун омадли келди, — дейди биз билан суҳбатда Нодира. — Сентябр ойида Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида ўтган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида халқаро спорт устаси талабини бажардим. Ноябр ойида Гуанчжоуда жамоамиз билан кумуш медалларга эришдик. Осиё ўйинларига Владимир Егин мураббийлигида шуғулландик. Шахсан ўзимнинг иштироким ҳақида гапирсам, дастлаб тезкор шахмат мусобақаларида омадим чопмади. Классик шахмат беллашувларида эҳтиёткорлик билан, шошилмасдан ўйнашга ҳаракат қилдим. Чунки рақибларнинг барчаси кучли эди. Ҳиндистонлик Нишани ютганимда, хаёлимдан отамнинг ўгитлари, устозим кўрсатмалари бирма-бир ўтди. Мен уларнинг ишончини оқлагандим. Бироқ ҳали ҳаммаси олдинда. Халқаро гроссмейстер талабларини бажариш учун тажрибамни янада оширишим, кучли рақибларга қарши муносиб ўйнашим талаб этилади. Бунга халқаро мусобақаларда тез-тез иштирок этиш орқали эришиш мумкин.

Ўқишдаги қишки таътилни уйида, Чироқчи шаҳрида ўтказган Нодира туман шахматчилари билан «сеанс» ўйнади. Шунингдек, тажрибали спортчи ёш шахматчиларга ўзининг энг яхши «партия»ларини таҳлил қилиб, «мастер-класс» намойиш этди.

Дарвоқе, Нодиранинг укаси Аҳрор Нодиржоновга ҳам мутахассислар умид кўзи билан қарашмоқда.

Аҳрор 2000 йилда Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатида «Энг ёш иқтидорли шахматчи» дея топилганди. У ҳозиргача бир неча бор ўз тенгқурлари орасида мамлакат чемпиони бўлишга эришди. Айни пайтда Аҳрор шу йил Термиз шаҳрида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига ҳозирлик кўрмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Қадрият

# Шогирдлик фахри

Устозлик — шарафли касб. Бу шараф йўлини босиб ўтганларнинг ҳаёти биз учун ҳамиша ибрат.

Мен ҳам устоз Озод Шарафиддиновни бир кўришни, суҳбатларини олишни истар эдим. Исмимиз оҳангдошлигидан фахрланардим. Устознинг суратларини кўриб қолсам, салобатлари босарди.

Афсус, улғайиб, ўқишга киргунимга қадар вақт ўз ҳукмини ўтказди. Суҳбатларини, сабоқларини тинглаш насиб этмади...

Эслайман, биринчи босқичда таҳсил олаётганимда, устозлардан бири: «Бу — муқаддас илм даргоҳи. Бинонинг деворларигача муқаддас. Улар не-не азиз устозларнинг каломларини тинглаган, сабоқларига гувоҳ. Бу аудиторияларда устоз Субутой Долимов, Озод Шарафиддиновлар талабаларга маъруза ўқиган. Сизлар бундан фахрланишингиз лозим!», деган эди. Ўша ондаги ҳаяжонимни тасаввур эта олмайсиз.

Устоз бизга ғоят қимматбаҳо хазинани мерос қолдирганлар. Хазина шу қадар баракалики, унга барчамиз меросхўрмиз. Ушбу хазина — ёзган китоблари, вояга етказган истеъдодли шогирдларидир. Ўқиш жараёнида улар билан бевосита мулоқотга киришаётганимизни ҳис қилмоқдаман.

Устоз Омонулла Мадаев суҳбат асносида, дарс давомида кўп бора устозларини тилга оладилар. Уларнинг ўгитларини биз билан баҳам кўрадилар. Севимли шогирди бўлганликларини ғурур ила ёд этадилар. Ана шундай лаҳзаларда юз-кўзларида устоз соғинчи яққол акс этади. Бутун аудитория оғир сукутга чўмади. Сукут палласида хаёлга толаман. Устоз Озод Шарафиддинов шогирдининг шогирди эканлигимдан қувониб кетаман.

Бу — ҳаёт қонуни: яхши инсон, билимли инсон доимо яшайди. Унинг боқий умри ёзган китоблари, тарбиялаган шогирдларидир.

**Озода САРАФРОЗ,**
**Гулистон шаҳри**

## Болалар — келажагимиз

**Болалик — беғубор давр. Жиззах шаҳридаги 5-«Ғунча» номли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари даврасида бўлганимизда, бунинг гувоҳи бўлдик. Тарбиячи Мамлакат Эрматова раҳбарлик қилаётган гуруҳда соғлом муҳит яратилган. Тиниб-тинчимас тарбиячининг изланиши ва ижодкорлигининг маҳсули бўлмиш «Севимли ўйинчоқлар» коллекцияси ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг фикрларини жамлаб, равон тилда гапиришга ҳаракат қилишлари, қўл ва бармоқларини ҳаракатлантиришга интилишларида қўл келаяпти.**

**Жумладан, «Туяқуш», «Тулки ва турна», «Қувноқ одамлар» каби кўплаб ҳаракатли ўйинлар мазкур жараёнда катта аҳамиятга эгадир.**

# Миллий ўйинлар тарғиботчиси



Унинг «Сичқон мушукдан қандай қутулди?», «Қайси ҳайвонлар қаерда яшайди?» каби мантиқий ўйинлари кичкинтойларни зеҳнли ва топқир бўлишга ундайди. «Хато қилма» математик ўйинида эса улар санашда ва ҳисоблашда ўзларининг билимларини синаб кўришади. Айни кунда бу ерда қўғирчоқ ва турли ўйинчоқлар сони 300 дан ошиб кетган. Бу эса «Кичик қўғирчоқ театри»га асос бўлди.

Мамлакат сахий, бағрикенг ва болапарвар оилада униб-ўсди, улғайди. Отаси Қодир бобо кулолчилик билан шуғулланиб, бўш пайтларида қамишдан най, лойдан сурнай ва ҳуштак ясаб маҳалладаги болаларга чалиб бериб, уларни хушнуд этарди. Шунингдек, қовоқ ва турли сабзавот маҳсулотларидан ҳайвонлар кўринишини акс эттириб, уларнинг овозига тақлид қилар, онаси Маърифат ая тикиш-бичиш билан шуғулланганида ёнида ўтириб, мато қолдиқларидан қўғирчоқлар ясаб, кийим-бош тикишни ўрганар, шу боис, маҳалла болалари бу хонадонга тез-тез келиб туришарди. Оиладаги муҳит қизнинг шу касбга бўлган ҳавасини уйғотди.

Турмуш ўртоғи Юсуфжон — тадбиркор. Бирибиридан ширин уч нафар фарзанди бор. Уларнинг оиласига Жиззах шаҳар «Олмазор» маҳалласидаги кекса-ю ёш ҳавас қилади.

1996 йилда «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловида қатнашиб биринчи ўринни эгаллаб, Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғини олган М.Эрматова 2001 йилда «Шу азиз Ватан - барчамизники» республика фестивалида ўзининг таълимий ҳаракатли ва мусиқий-миллий ўйинчоқлари билан иштирок этиб, яна бир бор тилга тушди. «Болалар ақлий тафаккурини ўстирувчи таълимий ўйинлар» қўлланмаси нашр қилинди.

Олий тоифали педагог, халқ маорифи аълочиси, «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени нишондори Мамлакат Эрматованинг замонавий иш услуби бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятлардаги мактабгача таълим муассасаларида қўлланиб келинмоқда. «Қалбингга қулоқ сол» телефилми ҳам яратилди. Дарвоқе, уни кунчиқар мамлакат — Японияда ҳам яхши билишади. Бола тарбияси билан шуғулланувчи мутахассислар тажрибали тарбиячининг иш услуби тўғрисидаги лойиҳани Япония грантига тақдим этишган.

Ўтган йиллар Мамлакат Эрматова ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича биринчи даражали диплом соҳибига айланди.

2009 йили «Аёллар кенгаши» Республика Жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» танловининг мутлақ ғолиби бўлишга эришди.

**Абдулла САИДОВ**

*Бугунги кунда спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика билан қизларнинг шуғулланиши учун қулай шароит яратилмоқда.*



# Бадиий гимнастика жозибаси

Марғилон шаҳрида бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Жумладан, халқ таълими бўлимига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 30 нафардан зиёд қиз тажрибали мураббий Нодира Қўшоқова раҳбарлигида мазкур спорт турининг сир-асрорларини ўрганишмоқда.

— Дастлаб, шаҳар марказидаги 5-мактабгача таълим муассасаси қошида иш бошлаганимизда 3-4 нафар қиз машғулотга қатнарди, — дейди Нодира Қўшоқова. — Бугун иштирокчиларимиз сони ўттиздан ортди. Бадиий гимнастикани жозибадор мусиқасиз тасаввур этиш қийин. Аниқроқ айтганда, у орқали қизлар спорту санъатга бирдек меҳр қўядилар.

— 2010 йилнинг ёз ойидан бошлаб дугонам Дилшода билан бадиий гимнастика машғулотларига қатнай бошладим. Мураббий Нодира опанинг хушмуомалалиги, тенгдошларимнинг нафис ҳаракати мени гимнастика сирларини ўрганишга ундади, — дейди 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сарвиноз Мирзаева. — Дугоналарим Шаҳноза Аҳмедова, Дилшода Мавлонова, Чарос Раҳматиллаева билан шу кунларда вилоят биринчилиги бўйича ўтказиладиган мусобақада қатнашиш учун астойдил шуғулланаяпмиз.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

# Дўстлик машъаласи

Марказий Осиёнинг гиганти Муборак газни қайта ишлаш заводида 15 миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда.

— Корейсларнинг Ўзбекистонга келиб, яшаётганига етмиш йилдан ошди, — дейди заводнинг бош ҳисобчиси Людмила Цой. — Республикамиз Конституциясида турли миллат вакилларининг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Шундай аҳил ва иноқ ўлкада яшаётганимдан фахрланаман.

Яқинда заводда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида бўлиб ўтган дўстлик кечаси халқларимиз қардошлиги ва биродарлигига бағишланди. Корхона маънавият-маърифат маркази раҳбари Юсуф Сиддиқов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёти институти катта ўқитувчиси Солижон Ибрагимов, вилоят араб миллий маданий маркази раиси ўринбосари Ниёзмуҳаммад Панжиев, завод касаба уюшма қўмитаси раиси Акрам Ҳамроев, инструментал-механика цехи ишчиси Тамара Ҳайитова, вилоят туркман миллий маданий маркази вакили Нурсултон Андаева ва бошқалар мамлакатимизда халқлар дўстлиги ва миллатлар тотувлигининг самаралари ҳақида сўз юритишди.

Миришкор туманининг «Гўзал», вилоят туркман миллий маданий маркази ҳузуридаги «Сарвиноз» фолклор-этнографик ансамбли қатнашчилари ижросида янграган куй-қўшиқлар, дилтортар рақслар кечага ўзгача файз бағишлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши бош ҳисобчиси Ҳабиба Юсуповага волидаи муҳтарамаси **ТИЛЛА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev

Navbatchi:
A. Abdullayev

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -20.30

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5